



# ИШЛОД

**УШБУ СОНДА:**

2-бетда  
**МАРКЕТИНГ МАКТАБИ**

3-бетда  
**РАХБАР КОНУННИ БИЛМАСА..**

4-бетда  
**ИЙД АЛ-АДХА ҚУТЛОВЛАРИ**

### САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Мукддас Ийд ал-Адха байрами муносабати билан Кувайт халқи номидан ва ўз номидан Сизга ва қардош Ўзбекистон халқига самимий қутловлар йўллаш менга улкан мамнуният бахш этди.

Барча мусулмонлар учун азиз бўлган бу байрам кунинда қодир Аллоҳдан яхши ишларни амалга оширишда бирлигимиз, алоқаларимиз, ёрқин истикбол ва ислом аҳли фаровонлиги йўлида ҳамкорлигимизни мустақамлашгани тилаймиз.

Қодир Аллоҳдан Сиз Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Ўзбекистоннинг қардош халқига янада раванқ ва фаровонлик тилайман.

Сизга бўлган юксак эҳтиромимизни қабул айла-гайсиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракоту-ху.

Жобир ал-Аҳмад ал-Сабоҳ,  
Кувайт давлати Амيري

---

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига**

Хурматли Ислам Каримов,

Қурбон байрами муносабати билан Сизни ва қардош ўзбек халқини самимий қутлайман.

Барчангизга омонлик, бахт-саодат ва раванқ тилайман.

Қамоли эҳтиром ила,  
Хайдар Алиев,  
Озарбойжон Республикаси Президенти

### Янги жамғарма иш бошлади

Давлатимиз раҳбарининг Фармонига мувофиқ «Ўстоз» республика жамғармаси ташкил этилганлиги мамлакатимизда илм-фанни янада ривожлантириш, тажриба билан мутахассис кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жамғарма жаҳондаги мутараққий мамлакатларнинг таълим соҳасидаги барча ижобий ишлари ва унинг тарқалиш қўллаб-қувватлаш, чет элда тажриба орттириши ташкил этиш ҳамда янги педагогик технологияларни ўзлаштириш ва шу асосда малакали педагоглар тайёрлашга ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Тошкентда янги жамғарма фаолияти билан таништиришга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда олий ўқув юрталарининг ректорлари, дипломатик корпус вакиллари, халқаро ташкилотлар, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Маросимни «Ўстоз» жамғармаси бошқаруви раиси, Тошкент Давлат иқтисодий университетининг ректори С.Ғуломов очди.

Тадбирда сўзга чиққанлар жамғарма олдига турган долзарб вазифалар хусусида гапирдилар. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури бу борада аниқ дастурийлаш маъноси ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Хозирча олий ўқув юрталарининг педагог-ўқитувчилари ўртасида танлов ўтказилиб, қолдиб қолган 25 кишини Нью-Йорк шаҳри университетини, коллеж ва лицейларига тажриба орттириш учун юбориш таяргарлиги қўрилмоқда.

(ЎзА)

### «ФАЙЗ»НИНГ ФАЙЗЛИ ИШИ

Тошкентдаги «Файз» хисасдорлик жамияти бугунги кунда 40 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда.

Суратда: Корхона ишчиси В. Ширшов.

Р. ГАЛИЕВ ОЛГАН СУРАТ.

### Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 7 апрелдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сумга нисбатан қуйидаги қийматини белгиллади:

1 Австрали доллар	55,71	1 Норвегия кронаси	11,09
1 Австрия шиллинги	6,53	1 Польша злотийси	24,59
1 Англия фунтстерлиги	140,95	10 Португалия эскудоси	4,49
10 Бельгия франки	22,28	1 Сингапур доллари	52,10
1 Голландия гульдени	40,79	100 Туркия лираси	112,96
1 Грция дракмиси	2,85	1 Финляндия маркиси	0,34
1 Дания кронаси	12,05	1 Франция франки	15,14
1 БAA дирлами	23,12	1 Швеция кронаси	10,61
1 АКШ доллари	84,92	1 Швейцария франки	55,55
1 Миср фунти	24,84	1 ЭКО	91,22
1 Ирландия фунти	115,40	10 Жанубий Корея вони	0,59
1 Испания кронаси	1,17	10 Япония йенаси	6,28
100 Италия лираси	4,66	1 Россия рубли	13,89
1 Канада доллари	59,84	1 Украинна гривнаси	41,65
1 Хитой юани	10,26	1000 Белорус рубли	2,51
1 Кувейт динори	277,38	1 Латвия лети	141,77
100 Ливан фунти	5,56	1 Литва лети	21,23
1 Малайзия ринггити	22,50	1 Молдова лейи	18,00
1 Германия маркиси	45,94	1 Киргизистон соми	4,70

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмурий шўбу қийматда сотиш ёки олиш мажбуриятини олган.

Вилоят микёсида ўтказилган йилги ишларнинг бирида контрактация шартномаларининг баҳарлиги масаласи кўтарилди. Унда, жумладан, «Намангансўт» хисасдорлик жамияти (корхона) билан ушбу йўналишдаги ҳуқуқий ҳужжат тузиб ишлаётган жамоа ва фермер хўжаликлари хусусида ҳам гап борди. Мазлум бўлдики, кўпгина жамоа хўжаликлари раҳбарлари йил бошида қол-қол ваъдалар беришар, тузилган контрактация шартномаларига гажжадор имзолар чекишар, корхона маъмурияти томонидан уларнинг суъралига ишониб олдиндан ўтказиб қўйилган аванс пулларини ҳеч иккиланмасдан олишаркан-да, маҳсулот топиришига келганда берган ваъдаларини унутиб турли баҳоналарни рўқач қилишга ўтишаркан. Масалан, корхона билан ана шундай ҳуқуқий ҳужжат тузилганда бири Мингбулоқ туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигидаги. Инсофни қарагани, шартнома тузишга тузиб қўйиб, ҳатто бунинг учун аванс тариқасида берилган маблағни олишдан ҳам тортинмаган хўжалиқдагилар корхонага икки-уч кундагина бир мартадан бор-йўри 20-30 килограммдангина сўт топириш билан қийолашади. Бунинг учун қанчадан қанча йўл бошида келиш-кетиш кетган ҳаражатларни ҳаёлга келтирганда бу ердаги сугирлар эчкига айрилиб кетганиман, дея бошини шунингиз қотида. Афсуски, раҳбарлари йил бошида, аниқроқ, ҳужжатни имзолаш чоғида берган ваъдаларини унутиб қўётган хўжалиқлар талайгина.

Аслида, корхона виллоятдаги пешкадан, ишлаб чиқариши йил сайн янги технологияга асосланган боғидаган санаот шахобчалари каторига қиради. Икки йил олдин раҳбарлик иш билармон, ўз соҳасига чинкам мутахассис кадрлар хисобига ўзгарган, ана шундай ижобий силжишлар рўй бермоқда. Агар 1996 йилда 1,7 млн. сўм зарар қўрилган бўлса, 1997 йил 6 млн. сўм соф фойда олиш билан яқунланди. Ходимларнинг ўртача ойлик маоши бир йил ичида 700 сўмга ортиб 2400-2500 сўмдан ташкил этилди. Ишлаб чиқариш технологияси такомиллашмоқда. Германиядан махсус совутиқлар, махсулотни гоят сифатли сакловни ускуналар, Франциядан эса сутни юз фоизгача стерилизация қилувчи аппаратлар келтириб ўрнатилди. Аллоҳида халтачаларда бир килограммгача сўт у қоридан келадиган кўрғишлар қули эмас, балки этишларгадан махсулотининг ҳақиқий ҳужайини, қаерга, қимга, қанчон сотиш ҳуқуқига ўз қўлида. Шу боисдан ҳам ана шу илоҳотлар ва ўзгаришлар тўғрисида бундан тўрт-беш йил олдин корхонага кунига виллоят хўжаликларида 50-55 тоннагача сўт қабул қилинган бўлса, хозирда бу кўрсаткич 20-24 тоннагача тўртга қолган. Бунинг са-

бу ўринда Чортоқ туманидаги Навоий номили жамоа хўжалиги номили биринчилар қаторида тилга олма арзийди. Бу ерда 1997 йилги контрактация шартномаларида мўлжалланган бўйича маҳсулот тайёрлаш топшириги 108 фоизга баҳарлиди. Еки бошқачасига айтганда корхонага олдиндан режалаштирилган 443 тонна ўрнига 478 тонна сўт етказиб берилди. Шунингдек, тумандаги «Хосиятчи» хусусий хисасдорлик жамияти, Чуст туманидаги «Зарафшон», Уққўрғон туманидаги «Жалолобод», Уччи туманидаги «Олти тош», Тўрақўрғон туманидаги «Уллубек»лар каби жамоа ва фермер хўжаликлари контрактация шартномаларида амал қилиш намунасини кўрсатмоқдалар. Улар ўган йилда корхона билан тузилган ҳуқуқий ҳужжат бўйича назарда тутилган маҳсулотни тўла-тўқис етказиб берганлари ҳолда амалдаги йилда ҳам ўз суъралининг устидан чиқмоқдалар. Шунингдек, Уччи, Уққўрғон туманларида сўт етказиб бериш бултургидан анча жонлиб қолганлигини, 1997 йилга қараганда кўнги 1-1,5 тоннадангача кўн сўт топиришганлигини қайд қилиб ўтиш ўрилинди.

Надоматларким, аравини баробар тортаётган, шартнома ҳужжатларини имзолашга имзолаб қўйиб ерталарига унутиб қўётган раҳбарлар ҳам оз, деб бўлмайдилар. Мақолаимиз бошланғичда тилга олинган Мингбулоқ туманидаги «Хоразм» жамоа хўжалигини асос, яна ушбу тумандаги «Наманган» жамоа хўжалиги ҳам бу борада «рекорд» қўймоқда. Ўқи шартнома иродаланган 490 тонна ўрнига иродан 33 тонна сўт етказиб берди ҳолос. Контрактация шартномаларини менсимасликда поплчилар ҳам мингбулоқликлардан қолишмапти. Чунончи, «Найман» жамоа хўжалиги 400 тонна

### Долзарб мавзуда

## КОНТРАКТАЦИЯ ШАРТНОМАЛАРИНИ НЕГА БАЖАРМАЯПСИЗ?

қадокланмоқда. Қаймоқ, сметана, творог, сариг ёғ ва бошқа маҳсулотлар 200 граммгача бўлган идишларда қадокланиб сотушга чиқарилмапти, бу ҳар қандай чет эл андозаларига мос келишиги билан эътибор топлмоқда. Юмшоқ сирлардан у турда маҳсулот тайёрланаётганлиги корхона маҳсулотига нисбатан қизиқини оширмоқда. Биргина Наманган шаҳрининг ўзидаги давлат муассасаларига, касалхоналар, мактаб-интернатлар, болалар боғчалари ва бошқа ўнлаб ташкилотларга ҳар кун ичундан ортқ хилда сўт маҳсулотлари етказиб берилаётганлиги жамонинг эл хизмати йўлидаги фидокорона меҳнатидан далолатдир.

Қанидй энди биз билан контрактация шартномасини имзолаган шерикларимиз ўз суъралининг устидан чиқиб қўлида тутилган сутни вақтида етказиб берсалар эди, қанотимизни кенгроқ ёзиб маҳсулот тайёрлашни янада кўпайтирган, турини оширган, мижозларимиз эътиборини бундан ҳам яхшироқ қозонган булардики, — дейишди корхонада бўлиб сўхбатлашганимизда оддий ишчилардан тортиб раҳбар ходимларгача.

Тўғри, мамлакатимизда оз бераётган чўқур иқтисодий илоҳотлар санаотда бўлгани каби қишлоқ хўжалиқ тармоқларида ҳам қатта ўзгаришлар ясади. Дехқон ва чорвадорга, борбон ва сабзавоткорга кенг эркинликлар, мустақиллик берилди. Бугунги кунда

### Ислоҳот инсон хизматида

## ДАДИЛ ҚАДАМ

Пайчилик асосида ишлаб муваффақиятини таъминлади. Хўжалиқ идорасига қирасида ўнг томондаги янги газеталарни осиб қўйишга мўлжалланган ойнаванд айланма ром ташриф бюорган кишини бефарқ қолдирмайдилар. Айвоннинг безатилиши анча қамтароналигини даъватимиз саҳифаси қатталигидаги кесилган паррақлар саҳни тўлдириб турганга ўхшайди. Бу манзара кўзимиз ўрғаниб қолган «қизил ташвирот»ларни эста солиди, бироқ янгилик нимад экан, деган фикр билан унга яқинлашамиз. Ойналар ортдан «Халқ сўзи» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарининг кейинги сонлари кўзга ташланади. Аслида, маърифат макон ва замон танламайдилар, шу туфайли ҳар қандамда кўзбўямачилик усурларини ишлаб топишга аҳд қилган суъримиз билан одамларни (яъни идорани) иш юзасидан келувчиларни) газетани ўқишга ундаган истакни самимий қабул қилаемиз.

Қасби туманидаги Шароф Рашидов номили жамоа хўжалиги пайчилик асосида иш бошлаганига 3-4 йил бўлиб қолди. Эътироф этиш керак, ташкил этилганга 22 йил тулган маъмурият ҳуқуқий даврда қолдиқлик нималигини билмаган. Олдин ҳам бу ерда ишибилармон, тажрибали раҳбарлар ишлаган. Қўллаб-ташвиблардан шу ердан қанот баган. Шунданми, кейинги йиллардаги қийинчиликлар, мулк шаклларининг ўзгариши билан боғлиқ муаммолар хўжалиқ фаолиятига заррача таъсир этмади, унинг пойдевори мустақамлик бўлиб югани берди. Боз устига янги, марказлашган усулни рад этадиган ва шу орқали ҳар бир меҳнатчинини хўжалиқ фаолиятга арқинроқ иштирок этишини таъминлайдиган бошқарув шакллари ҳам беқаму кўст жорий қилинмоқда. Давлат хўжалиги сифатида ташкил этилган жамоа 5 йилданга барча соҳадан қироти натижаларни қўлга киритмоқда. Мамлакатимиз агар соҳасида мулкнинг пайчилик

### ЕТТИ ИҚЛИМ НАФАСИ

Лондонда Осий ва Европадаги етакчи давлат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви иш бошлаган. Учрашувада асосий масала чўқур иқтисодий таназзулга тушиб қолган мамлакатларни бу бўҳрондан олиб чиқиш. Япония Бош вазирини Рютаро Хасимото ўз мамлакатининг аҳволи тўғрисида тўхталиб: «Биз бу мушкулликни албатта енгамиз», деб айтди.

Англия Бош вазири Т.Блейер эса, Европа Осий билан бирга, улардан ёрдамни аямийда, деди.

Россия ёниги ва энергетика вазирининг ўринбосари Елена Теллегина ўз мамлакатни нефть қазиб чиқаришни қаматирмаслигини, аниқ чоғда бу масала хусусида ОПЭК давлатлари вакиллари билан сўхбатлашни лозимлигини билдирган.

Америка Қўшма Штатларида сафарда юрган Грузия парламентининг раиси Зураб Жауния бу ердаги стратегик тадқиқотлар марказида сўзлаган нутқида Россия қурули қисмларининг Грузия ҳудудида бўлиши ноқонунийлигини таъкидлаган.

Тожиқ қочқорлари масалалари билан шуғулланувчи комитетининг берган маълумотида қараганда шу йилнинг охиригача уруш натижасида ўз ватанларидан кетиб қолган кишилар ўз юртига қайтадилар. Хозир Россия ва Марказий Осий республикаларида 200 мингга яқин тожиқ қочқорлари яшамоқда. Шу қунгача фақат Туркменистоннинг ўзидан 600 киши қайтиб қолган. Йил охирига яна 2,5 минг кишини ўз юртига қайтариш мўлжалланган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тожиқистондаги вакили Дитрих Мерим ваколати тугаганиги сабабли бу ердаги ўз фаолиятини яқунлаган. Маълумки, Д.Мерим 1996 йилдан бошлаб бу республикада иш бошлаган эди. Унинг бевосита иштироки билан бир неча бор уруш ҳаражатларини тўхтатишга эришилди. Қофариҳонда ўтган ҳафта ичида бўлиб ўтган курулли моҳорони бартираф этишда ҳам у фаоллик кўрсатди.

Қозғистон ва Россиянинг ички ишлар ходимлари биргаликда «Канал» номи остида операция ўтказишлари натижасида Қозғистондан Россия Орқали дунёнинг бошқа мамлакатларига етказилиши мўлжалланган бир ярим минг килограммдан ортироқ гиёҳванд моддалар қўлга туширилди. Қозғистон ички ишлар вазирлигининг маъсул ходими Анатолий Вибронвининг айтишича, бу ишлар юзасидан мингдан ортиқ киши маҳкаматга тортилган. Жаноятчиларнинг қўлчилиги Россия фуқаролари.

Киргизистонда ҳам наркотик моддаларнинг олди-соттиси ва уни истеъмол қилиш ҳоллари борган сари ортиб борапти. Республика наркологик диспансерининг бош вазири Илья Савченконинг сўзларига қараганда кейинги йиллар ичида бу оғуни қабул қилиш 20-30 марта ошган. Бу йилнинг ўзида уч мингга яқин киши касалхонага ётқизилган. У республикада давловчи мутахассислар етишмаётганини, ҳукумат ҳам бундай муассасалар учун етарли маблағ ажратмаётганлигини билдирди.

Туркменистонда фуқаролик кодексини ёзган қилинди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда у ҳақон стандартлари даражасида ишлаб чиқилган бўлиб, юз йилга мўлжалланган. Ушбу кодекс бир ярим ой давомида умумхалқ муҳокамасидан ўтди. Республика фуқаролари бу ҳақда ўз фикрларини билдириб, қарақли қўшимчалар киритишлари мумкин.

Жаҳон ахборот агентликларининг хабарлари асосида.

Анварбек МУХАММАДИЕВ.



# ХУКУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият курилиши йулидан илдам оқибат бормоқда. Мамлакатимиз ҳукумати республикада ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий онгини юксалтириш ва ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини такомиллаштириш борасида муҳим чора-тадбирларни ҳаётга тadbир қилмоқда.

Қўндо Тошкентдаги Юридик институтда ҳуқуқий адабиётлар Очiq кутубхонасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимда мамлакатимиздаги ҳорижий давлатлар ваколтоналари раҳбарлари, республикамиз жамоатчилиги ва қатор халқро ташкилотлар вакиллари тўпланди. Анжуманда Очiq кутубхона ташкилотчилари ва ҳомийлари бўлган Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Факултети ва Мухтор Элчиси жаноб Жозеф Прессел, Германиянинг Ўзбекистондаги Элчиси жаноб Райнхардт Бинзайл, халқро «Сорос» жамғармасининг Тошкентдаги ваколтонаси раҳбари Кетрин Муна хоним, шунингдек, Ўзбекистон Тadbиркор аёллар уюшмаси вакиллари ҳам иштирок этидилар. Сузга чиқувчилар Тошкентда ташкил этилган янги ҳуқуқий кутубхо-

на Ўзбекистон талабаларининг ҳуқуқий билимларини оширишда, қолаверса, аҳоли ўртасида ҳуқуқий кўникма ва малакаларни тарғиб этишда катта омили бўлишини таъкидлашди.

Жумладан, кутубхонанинг тақдимот маросимида сузга чиққан Америка Элчиси жаноб Прессел янги кутубхона ҳақида тўхталиб, шундай деди:

— Мен Америка Элчиси сифатида эмас, балки Американинг оддий бир фуқаросини сифатида Тошкент Юридик институтда шундай кутубхона очилганидан самимий хурсанд бўлмоқдаман, — деди жаноб Жозеф Прессел. — Бу кутубхона давлатларнинг маданияти, қолаверса, Ўзбекистон ва Америка жамоатчи ташкилотларининг катта ҳамкорлиги мевасидир. Бу кутубхона албатта, ҳозирча кичкина, бироқ кейинчалик у кенгайиб, энг ийрик кутубхоналардан бирига айланади. Бу кутубхона ҳуқуқий адабиётлар Очiq кутубхонаси деб номланади. Яъни у очiq ва янги гошлар, фикрлар муассасасидир. Қолаверса, у барча ҳуқуқий билимга чанқоқлар учун очiq бўлади. Кутубхонада мавжуд илмий кенгаш ҳуқуқий соҳадаги ҳар қандай янги гошларни қабул қилиб, уларни шакллантиришга ҳаракат қилади.

Анжуманда мамлакат-

да эътибор бериб келмоқда. Ҳозирги даврда аҳолининг юксалтириш, республикамизда юрист кадрлар тайёрлашни яхшилаш ҳамда ҳуқуқий адабиётларни кенг халқ оmmasига етказиш тadbирлари билан боғлиқ қатор масалалар ҳал этилмоқда. Мана шундай жараёнларга халқро ташкилотлар ва ҳорижий давлатлар ҳам ўз хиссасини қўшаётгани биз учун жуда қувонарли ҳол. Жумладан, давлатимизнинг ана шундай ташкилотлар ва ҳорижий давлатлар билан ҳамкорликда ишларига мана шу ҳуқуқий адабиётлар Очiq кутубхонасини катта мисол қилиб қўрсатиш мумкин. Бу кутубхонанинг очилиши жамиятимиз ҳаётида жуда муҳим воқеа бўлди. Мен аминманки, бу кутубхона нафақат Тошкент Давлат Юридик институтини талабаларига, балки бутун республика олий укув юртлири талабаларига, аҳолининг турли қатламларига ҳам хизмат қилади. Халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга катта хисса қўшади, — деди профессор Ҳалим Қўлиев.

Шундай қилиб, Тошкентда янги ҳуқуқий кутубхона очилди. таъбир жоиз бўлса, давлатимиз ҳуқуқий демократик жамият сари яна бир қадам кўйд.

Ҳайрулло НУРИДИНОВ

# Божхона бекати:

## УНДАН «ЧЁРНАЯ СМЕРТЬ» УТОЛМАДИ

Одамни шайтон бир йўлдан урмасин экан-да. Йўқса, ким ҳам туппа-тузук, ҳалол йўл билан савдо-сотик қилишнинг имкони бўла туриб, кингир йўлни танлайди. Бу ўринда шайтон деганимиз, эрталабдаги икки шоҳли маҳлуқ эмас, балки инсон руҳини маъз этишга доим шай турадиган нафс отлиг бало эканини аллақачон сезган бўлсангиз керак.

Яқинда Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабанда ва БҚБга қарши кураш бўлими ходимлари М.Умархўжаев, И.Нормухамедов, М.Тусубуловлар «Бекобод» темир йўл шоҳ бекатида «Қонибодом-Душанбе» йўналишидаги транзит йўловчи поездининг 4-вагонини божхона куригидан ўтказайтганларида шайтонга ҳамтовоқ бир кимсага дуч келдилар. Туркманiston Республикаси фуқароси М.Р.7360 донга турли хил хориж сикареталарини, 4728 та, 0,33 литр ҳажмидаги темир банкани «Чёрная смерть», «Кристалная», «Ричмонд» деб номланган ароқ ва 345 литр спирт олиб ўтаётганини ҳеч ким билмайди деб қатъий ишонган куридади. Бўлмаса Тожикистон Республикасининг Ҳўжанд шаҳри бозоридан 1 млн.263 минг 346 сўмга сотиб олган ушбу маҳсулотларни акция марказларисиз, божхона ўқи баённомасини расмиyllаштирмадан ва транзит акциз товарлар божхона тўловларини тўламай Ўзбекистон ҳудудига олиб киришга жазм этармиди?

Хўшёр божхоначилар томонидан сирини фoш бўлганинганглан М.Р. «чиқмаган жондан умид» қабилида сунгги ҳийлани ишга soldi. Яъни у Тожикистон Республикаси Ленинобод вилояти давлат божхона бошқармасининг думалоқ муҳри босилган, бироқ унда божхона баёнотининг расмиyllаштирган кунини, шунингдек, юқорида курсатилган товар-моддий бойликлар қайда этилмаган баёнотни тақдим этди. Қолаверса, баёнотда ўқи эгасининг имзоси ҳам йўқлиги ушбу баёнот ҳеч қандай ҳуқуқий қучга эга эмаслигини исботлади. Айни пайтда мазкур ҳолат бўйича божхона суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ботир ҲУСАНБОУВ,  
Тошкент вилояти божхона бошқармаси матбуоти маркази ходими.

# Ўқув машғулоти

Наманган вилояти Поп тумани суди биносида туман жамоа ҳўжаликлари бошқарувининг раҳбарлари, иктисодчилар ва ҳўжаликларга юридик хизмат курсатувчи ҳуқуқшунослар учун Ўзбекистон Республикасининг «Кишлоқ ҳўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги Қонунини ва контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тартибини ўрганиш бўйича ўқув машғулоти бўлиб ўтди.

Машғулотда республика ҳуқуқий маърифат-тарғибот Марказининг вилоят бўлими бошлиғи Олимжон Нуриддинов янги қонуннинг мазмунини, моҳиятини ва уни ҳаётга тadbир этиш, контрактация шартномаларини тузиш ва бажаришда томонларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида маъруза қилди ва йил-йилланларнинг саволларига жавоб берди.

Самарқанд вилояти Пастдаргом туман хотин-қизлар қўмитаси қошида жамоатчилик асосида «Аёл ва ҳуқуқ» бўлими фаолият курсатмоқда. Бу бўлим фаоллари мактаб, маҳалла ва меҳнат жамоаларида янги кўнун лойиҳалари ва ҳуқуқий маданият юзасидан ўрашувлар уюштирмоқдалар. Бундан ташқари бевосита бўлимнинг ўзида ҳуқуқий маслаҳатлар берилади.

Х МАҲБУБОВА.

# Мозийдан сабоқлар

## «ҲУҚМ МАЖЛИСИДА ҲАЙБАТЛИГ ЎЛТИРГИЛ»

Эй фарзанд, билгилки, барча ҳўқмин китоб бўйича қилмаслар, ўз фикрлари билан ҳам ҳўқм этирлар ва бундоқ тadbирлар билан ҳам ишни билиб олулар.

Унингдан мутавозеъ (кибрисиз, тавозеъли) бўл. Ҳўқм мажлисида ҳайбатлиг ўлтиргил. Лекин туршрўй бўлмагил, савлатлиг

бўлгил ва хар турли сўзни эшитмоқда ва ҳўқм қилмоқда мaлʼум бўлмагил ва сабр қилгил. Муфтиларга машварат қил. Хар вақт очiq фикр ила сўзлагил. Ҳеч вақтда маъзаблар, масалалар дарсидан ҳоли бўлмагил. Тахриба ва тadbирни ҳам қўлдан бермагилки, булар қози ва қонунлар райийга баробардир ва қўл ҳўқмин шариат райийдан ҳал қилиш кийин булар, қози эрса уни осон ҳал қилур. Қози мухтайд (тиришқоқ) доно ва порчо бўлмуғи лозим. Аммо бу маълум вақтларда ҳам ҳўқм қилмагил.

очликда; ташналиқда; ҳаммомдан чиқиб тургон пайтда; дилтанг бўлгонид.

Кайковуснинг «ҚОБУСНОМА» асаридин.

# МАЪРИФАТ ДАРСИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг мажлислари таъдил бўлиб ўтган нафсатадаги маърифат дарси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг фаолиятига бағишланди. Республика Конституциясининг азоси, Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор, истеъфодаги ички хизмат полковниги Ф.Абдумажидов ана шу мавзуда маъруза қилди.

Маърузачи Конституциясининг пайдо бўлиш сабаблари ва ташкил этилиш тарихи, шунингдек, ривожланган мамлакатларда бу олий идоранинг вазири фаолияти, уни юртиш услублари ҳақида қисқача тўхталиб ўтди.

Таниқли олим Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг судининг айни кўнларда олиб бораётган ишлари, мавжуд қонунчилигимиз амалиётини назорат қилиш борасидаги фаолияти ҳўқсиде батафсил гапирди. У шунингдек, йил-йилланларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Маркетинг функциялари турлича бажариладиган ишлар ҳажми эса катта бўлганили учун бу хизматда ишлайдиган ходимларнинг малакаси ҳам юқори даражада бўлиши талаб қилинади.

М.ҲАЙИТОВА



# ҲАР КИМГА УЙ НАСИБ ҚИЛСИН

Дунёнинг ишлари қизик; дуппа-дуруст яшаб юрган эру хотин, ота-бола ёки ака-укалар келишим қолдирлар, итжада уй-жойини бўлишиб олишга киришадилар. Бундан ташқари низоли уйлارга кириш олганларни айтмайсизми? Бундай муаммолар албатта суд ҳўқми билан ечилиши зарур. Ҳўш, шаҳар ва туман судлари уй-жой масалалари билан боғлиқ низоларни қандай қўриб чиқмоқдалар. Биз ана шу савол билан Самарқанд вилоят прокурори ўринбосари Ш.Сатторовга муржаб кўрдик.

Инсоннинг қайфияти ва баъзи турмуши унинг ҳонадони ва оиласи билан ўзвий боғлиқдир. Халқимизда «Ховли олма, қўшаси ол», «Иламининг қўшинига сот, бир четиде ўзинг ўтирсан», «Эрни бўлган элини бўлади» деган нақиллар бекорга айтилмаган. Шу сабабли уй-жой низоларини ўз вақтида одилона ҳал этиш қатта аҳамиятга эгадир. Лекин, фуқаролик ишларининг айнан шу хисмининг қўриб чиқилиши зарурдир. Чўнки бу масала қонунда ёзилмаган инсоний муносабатлар билан ҳам боғлиқдир. Ҳўш, эр-хотин ва бошқа қариндош-уруғларнинг ҳал қилгандаги муносабатларини қўзда тутиш.

Аммо, судлар ва прокурор ҳар қандай шарторда ҳам масалага жиддий ёндашиши, уни ҳўқур ўрганиб, одилона ҳал қилиши лозим. 100 га яқин ана шундай фуқаролик ишларини таҳлил қилганимизда, судьялар ва шу ишда иштирок этган прокуратор ҳодимларнинг асосан турри йўл тутиб иш қўнларининг гувоҳи бўлди. Бунга бир мисол: фуқаро Э.Ризаев вилоят прокураторида ёган шикоят ҳақида Самарқанд шаҳар Темирйўл тумани прокурори Б.Беркин кўна 16 «а»-ўйининг 4-қонандонидан уни билан қўриб чиқилди. Судияларнинг сўзиде берганини айтган. Текиришда Э.Ризаев мазкур уйга ўз бошимчилик ва зўравонлик билан кириб олганини маълум бўлган. Шикоятдаги давволари эса тасдиқланмади.

Баъзи пайтларда ташкилотлар томонидан уй тақсимланшида нотангликлар ҳам учраб турибди. «Самарқанд-сўв» ҳўқуқлиги иштироқларини лозимдлаш институти маммурияти ва қасба қўмитаси 1996 йилда турт оила учун уй ажратган. Текириш ўтказилганида, уларнинг ҳодимларининг яшаб шарторларини ҳисобга олмай, масалага бир ёқлама ёндашганилиги маълум бўлди. Шаҳарнинг Боғишамол тумани прокурори томонидан мазкур қор бекор қилинди, ишдаги совбуқонлик ва ўзбошимчиликларни қўриб чиқилди раҳбари ва қасба қўмитаси раисига маммурий чора қўйилди.

Айрим шахслар меҳнат қилиб уйли-жойли бўлишдан қочдилар, турли найранглар уйлаб топиб, унга эга бўлишнинг йўлини қидирдилар. Бу фикрини ҳам бир мисол билан тўқидирмоқчиман. Самарқанд туманидаги Гафуров кўрғонига яшовчи эр-хотин Э.Шодиева ва К.Шодиева ана шундай йўл тутган. Улар ўрталаридаги низо ҳоқини бекор қилишди (албатта қонунда қўриб қилинган, амалда эса бирга яшайверишган) 3-уйдаги 1-қонандонинг ҳўқсийлаштириб олишган. Қўл ўтмай, эр-хотин «ярашиб» олдилар ва мазкур уйни ижарага бериб, бирга яшаган. Энди бунга келиб Э.Шодиева яна эри билан жанжаллашиб қолганини пеш қилиб уйда турган А.Аверкинни уй-дан чиқаришни сўраган. Суд даъвоини қўриб чиққани ҳўқиллар, деб ўйлашдилар. Лекин, қонуний йўл билан амалга оширилган ҳар бир ишнинг барибир «мисси чиқилиши» муқаррарлигини ҳаммамиз яхши билимиз.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, судларда ҳам уй-жой низолари масаласида камчиликларга йўл қўйилмоқда. Каттақиргон суди шахар коммунал божқармасининг фуқаролик ишларини таҳлил қилишда тегшликни қилиб қўриб чиққани даъво аризонини бир йилдан бери қўриб чиққани ҳўқил. Сузининг муктааб қисмида ҳар ким ўз уйида яшагани, ҳар кимга уй насиб қилсин, деган нимат билдираман.

Сўзбатловчи М.МУСТАФОВЕВА.

# РАҲБАР ҚОНУННИ БИЛМАСА...

— у ҳунук оқибатларга олиб келиши мумкин, — дейди Эллиқалъа тумани суди раиси Шукуржон Ражабова. Чўнки, ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қўйлаётган ҳозирги шароитда ҳар бир раҳбар ўз устида изчил ишлаши, янги қабул қилинган қонунларни синчилаб ўрганиб бориши, унга қатъий амал қилиши гоят муҳимдир.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексининг олднингги кодексдан тубдан фарқ қилади. Уни ўқиб ўрганмаган раҳбар фуқароларни ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, интизомий чоралар қўллашда турли хўқуқларга йўл қўйишлиши мумкин. Туман суди томонидан фуқароларни ишга тиклаш борасида қилинган ишлар ҳам бунга мисол бўлади. Жумладан, «Элтекс» ҳиссасдорлик жамиятида қорувул вазирида ишловчи Урингул Қўсмураева ишга тиклаш ва унинг мажбурий бўш юрган кўнлар учун иш ҳақини ундириш тўғрисидаги даъвоси бўйича қўрилан ишлар оилалик.

У Қўсмураева 1996 йилдан бўён мазкур қорхонада меҳнат қилади. Иш беришчи томонидан 1997 йил 30 май кунининг ноконуний равишда ишдан бўшатишгани аниқланди.

Иш беришчининг ҳотоси нимадан иборат? У Қўсмураева 1997 йил 30 май кунининг буйруқка бинаоан «45 дақиқа иш ўрнини ташлаб кетгани

учун» деб ишдан бўшатишга олиб келиши мумкин, — дейди Эллиқалъа тумани суди раиси Шукуржон Ражабова. Чўнки, ҳуқуқий давлатнинг мустаҳкам пойдеворини қўйлаётган ҳозирги шароитда ҳар бир раҳбар ўз устида изчил ишлаши, янги қабул қилинган қонунларни синчилаб ўрганиб бориши, унга қатъий амал қилиши гоят муҳимдир.

Маганлиги сабабли ў.Қўсмураева ўз иш ўрнига тиклашда бузиб, ҳомилдор бўлгани учун ишдан штат қисқариши баҳонаси билан ишдан бўшатишмаслик бўйича қўлатилиб бўлишига қарамай ҳамда унинг «Мен ҳомилдорман, икки ойдан кейин туғишга қилиб кетаман» деб оғохлантиришига қарамадан Алматовани ишдан бўшатиб юборган. (Агар унинг штати қисқарса, бошқа иш билан таъминлаш имкони бор бўлишига қарамадан).

Хўлбуки, шу қорхонадаги бўш ўринга 1997 йил 2 сентябрдан эътиборан шу соҳага мулкко алоқаси йўқ ҳодимни ишга қабул қилган. Суд ана шуларнинг барчасини эътиборга олди. Натияжада Алматовани мажбурий бўш юрган кўнлар учун 4154 сўм мулккофаа бўлимининг ундириб берилди. Мулккофаа бўлимида етказилган зарар эса, ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруққа имзо чеккан бўлим бошлиғи Аллабергановдан ундирилди.

Хўлуса қилиб айтганда, зиммасулига ҳалқ, давлат маъсулияти юклатилган мансабдор шахс маъсулиятини қилиш қилиши лозим. У ўзи раҳбар жарамоан ўртасида қонунларни яхши билган ҳолда, унга қатъий риоя қилиб фаолият курсатса, юқоридидаги қўпол хато-ларга йўл қўйилмасди.

Давьогар Т.Алматовани ишдан бўшатишганида 26-рафталик ҳомилдор бўлган. Лекин иш беришчи



Саволларга ҳуқуқшунос А.МУРОДОВ жавоб беради

Хотиннинг туғишганлари аслини олганда яқин қариндош деб муулмончилиқда тан олинади. Лекин бу қонунчиликда ҳам нега ўз ақсини топмаган?

Б.НУРИДИНОВ,  
Фарғона вилояти

Одатда қариндошлилик бирор меросни бўлиш чоғида ёки бир қорхонада бирга иш фаолияти юртиш пайтида аниқланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 68-бобиде олти наватбадга ворислик бандларида хотиннинг ўзи ва болалари меросхўр, лекин қариндошлари эрининг мулкига нисбатан меросхўр эмасликлари айтилган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси 2-бобининг 79-моддаси «Қариндош уруғларнинг давлат қорхонасида бирга хизмат қилишларини «келаш» деб номланади. Ушбу моддага бинаоан ўзаро яқин қариндош ёки қанда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғил-қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки бири иккинчисининг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат қорхонасида бирга хизмат қилишлари таъқиқланади.

Мени ноҳақ ишдан бўшатишди. Биринчи инстанциядаги суд мажлиси ишга тиклаш ҳақида қарор чиқарди. Аммо вилоят суди бу қарорни бекор қилди. Хўлуса, анчадан кейин охири марта тикландим. Ишондагилар мажбурий ишламаган қўнларим учун меҳнат ҳақини тўлашдан бош тортишмоқда. Шу тўғри муносабатини?

И.СОЛИЕВА,  
Самарқанд шаҳри.

Суд одилона ҳўлосага келиш учун низоли ишни бир неча бор қўриб чиқилиши мумкин. Аммо сизни нотўғри ишдан бўшатишганлари сабабли мажбурий бекор юрган қўнларингиз учун қорхонанинг меҳнат ҳақингизни тўлашга мажбурдир.

Нотариуслар ўз ишонмасида ўз номига ва ўз номидан ҳўжжат расмиyllаштиришлари мумкинми?

Ф.ҚОДИРОВА,  
Тошкент шаҳри.

Нотариуслар ўз номига ва ўз номидан, хотини (эри) номига ҳамда унинг номидан, хотинининг (эрининг) ва ўзининг қариндош-уруғлари (ота-онаси, туғишганлари, болалари, набиралари), улар билан васийлик ва ҳомийлик туфайли боғланган шахслар номига ҳамда уларнинг номидан, шунингдек, мазкур давлат нотариал идорасининг ходимлари ёки ҳўсурий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг қўлида ишловчи шахслар номига ва уларнинг номидан нотариал ҳаракатларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Ҳозирги даврда яқна тартибда уй-жой қўриш қийинлашиб қолди. Ҳеч бўлмаганда қўришчи материаллари олишда баъзи бир шахсларга имтиёзлар белгилангани?

Н.ОЛИМЖОНОВ,  
Қашқадарь вилояти.

Ўзбекистон Солиқ Кодексининг 71-моддасидаги 31-қисмда «республикада ишлаб чиқариладиган ҳамда яқна тартибда иморат қўрувчиларга сотиладиган бинокорлик материаллари қўйилган қиймат солиғидан озод этилсин» дейилади.

Бундан ташқари яқна тартибда уй-жой қўриш ва шахсий ёрдамчи ҳўжалик юртиш учун қонун ҳўжжатларида белгиланган нормалар доираида берилган ерлар — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан 2 йил муддатта ер солиғидан озод этилади.

Қўрилиш материаллари ишлаб чиқарадиган барча ташкилотлар фаолият тури қандай бўлишидан қатъий назар, яқна тартибда уй-жой қўрувчи фуқароларга девор-боп материалларни 30 фоизга арзон нарҳда сотишлари шарт. Бунинг учун у ёки бу шахс туманлардаги яқна тартибда уй-жой қўрилиши бошқармалари бўлимларидан яқна тартибда уй-жой қўраётганини тўғрисида маълумотнома олишлари керак.

# Ҳуқуқшуносларнинг янги журнали

«Ҳуқуқ-Право» деб номланган янги илмий-назарий юридик журнални биринчи сонни босмадан чиқди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик Академияси нашр этимоқда.

Республикамизда демократияни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий давлат қўриш шарториде янги журналнинг нашр этилиши ўта муҳим воқеадир.



Ноширлар журнал саҳифаларида жамиятимизда содир бўлаётган ижтимоий жараёнлар ҳамда ўзбекистонда вужудга келаятган ҳуқуқий вазиятни, суд ислохоти қандай амалга ошириляётгани, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органлари фаолияти, шунингдек ҳуқуқий давлат қўриш масалаларига оид фикр-мулоҳазаларни акс эттириши, жаҳондаги бошқа мамлакатларнинг юридик фан соҳасида эришган ютуқларини илмий-назарий жиҳатдан ҳўқур таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйганлар. Журналда ҳуқуқшунос олимлар ва мутахассисларнинг ҳуқуқининг жиний, жинийи-процессуал, меҳнат, оилавий ва бошқа тармоқларда олиб борган илмий-назарий тадқиқотлари натижалари ва амалий ишларини курсатиб берадиган материалларга катта эътибор берилди.

Журналнинг биринчи сонини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг 3-Алматовнинг журналоналарга мурожаати билан очилди. Республика Олий Мажлиси Раиси Э.Халилов мамлакатимиз таракқиятининг ҳозирги босқичида янги тўғрисида ҳикоя қилади. Юридик фанлари докторлари, профессорлар У.Тожиқонов ва А.Савидновнинг мақоласи ҳуқуқий маданиятнинг назарий муам-

Тошкент молия-қурилиш корпорацияси  
"Тошкентуйжойинвестқурилиш"

**1-сонли Тошкентуйжойқурилиш  
комбинати очик турдаги  
ҳиссадорлик жамияти**

*Азиз юртдошларимизни,  
корпорация тизимида  
меҳнат қилаётган  
раҳбар ва ходимлар,  
ишчи ва қурувчиларни  
муқаддас айём -*



*Қурбон ҳайити билан  
қутлаб, уларга сиҳат-  
саломатлик, оилавий  
бахт, меҳнатларида  
гайрат-шижоат  
тилайди.*

*Иқтисодий ва  
маънавий жабҳада  
янгидан тикланаётган  
Ўзбекистонимиз  
янада кўпроқ  
гуллаб яшнайверсин.*



**1-сонли Тошкентуйжойқурилиш  
комбинати очик турдаги ҳиссадорлик жамияти**


**Шаҳобчаларимиз:**

- а) "КПД-1" заводи  
- Қурувчилар кўчаси, 1
- б) ЖБИ-6 заводи  
- Жарқўрғон кўчаси-36
- в) УОР-1  
- Чилонзор мавзе, 3-даҳа, 7-уй
- г) УОР-3  
- Чилонзор мавзе, 10-даҳа, 30-уй
- д) СУ-26  
- Чилонзор мавзе, 10-даҳа, 30-уй
- е) СУ-2  
- Чилонзор мавзе, 3-даҳа, 7-уй
- ж) МУ-1  
- Арнасой кўчаси-4а

Юқори иш ҳақи учун  
ишлашни хоҳловчи  
қурувчи, монтажчи,  
электрпайвандчи ва  
пардозловчиларни

**ИШГА  
ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**90 - 40 - 67  
90 - 41 - 45**



**Нуфузли компаниямиз нуфузли  
мижозларга хизмат қилади**

улаш учун махсус нархлар  
шахсий телефон аппарати билан:  
биринчи  
даража \$ 299

иккинчи  
даража \$ 99

компаниядан олинган  
телефон аппарати  
билан

биринчи  
даража \$ 399

иккинчи  
даража \$ 199

**«COSCOM» Ўзбекистон-Америка Қўшма корхонаси  
Ўзбекистон аҳолисини Қурбон ҳайит айёми билан  
табриклаб, барчангизга бахт-саодат, саломатлик  
ва узок умр тилайди!**

янги суперзамонавий  
коммутаторнинг хизматлари:  
қайта адреслаш, кўнгироқларни  
ман этиш, чакирувни ушлаб  
туриш, чакирувни кутиш, рақамни  
аниқлаш.

Дунёнинг етакчи ишлаб чиқарувчиси ҳисобланмиш  
MOTOROLAnинг телефон аппаратлари

8700 International  
Slim Lite  
Star TAC 85

Бизнинг адрес: Тошкент, 700031, В.Воҳидов кўчаси, 118,  
тел: 1526688, 562338, факс: (371) 1526671  
Фарғона, 712000, Партизанлар кўчаси, 51 уй, тел: (3732) 246217, 247652  
Самарқанд, 703001, Комарова кўчаси 4, тел: (3662) 356138, 312126

**«ЎЗМАЛОЙЛ» Ўзбекистон-Малайзия қўшма корхонаси жамоаси муқаддас Ийд ал-Адҳа-Қурбон ҳайити байрами муносабати билан бутун ўзбек халқини сидқидилдан муборакбод этади. Барча ўзбекистонликларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, аъло кайфият ва фаровонлик ёр бўлсин!**

**Ўзбекистондан Ҳаж сафарига кетганларнинг зиёратлари қабул бўлиб, ўз юртларига эсон-омон қайтиб келишларини тилаймиз.**

Янаги йил шу кунларга омонликда, тинч ва хотиржамликда етишимизни Оллоҳ ҳаммамизга насиби рўзи айласин!

**«ЎЗМАЛОЙЛ» Қўшма  
КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ**

Газетамизнинг навбатдаги сони 9 апрель куни чиқади.



Бош  
муҳаррир:  
Саидакром  
САИДВАЛИЕВ



Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36  
Бош муҳаррир уринбосари-56-52-89  
Масъул котиб - 56-52-78

БЎЛИМЛАР:  
Қасаба уошмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Миллатлар ва маданият-56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш-56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ-56-85-66.

ВИДОЯТ МУҲБИРЛАРИ:  
Жиззахда - 3-82-18, Нимаганда - 6-22-10,  
Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43,  
Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.



Газета 1991 йил 21 мартдан етди бошлани.  
Сотувда эркин нархда.  
Маълумоти: 700165,  
Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй,  
(собиқ «Права Востока») кўчаси, 24-уй.  
Нашр қурсатқичи: 133; 134

Газетата 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва санифланди. Офсет усулида босилди. Бичими А2. Ҳажми 2 босма тибек.

«Иштон» нашриёт-матбуот корпорацияси  
Босма хизмати  
«Булок Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга толдириш вақти - 21.00  
Толдиришди 21.00